

# Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# АДОЛАТ

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 38 (947) • 2013-yil, 13-sentabr, juma

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИШКЕККА КЕЛДИ

БИШКЕК, 12 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида қатнашиш учун 12 сентябрь куни Бишкекка келди.

Шу куни Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Россия ва Тожикистон раҳбарларининг амалий учрашуви бўлди.

ШХТ саммитининг асосий тадбирлари 13 сентябрга мўлжалланган.

Расмий дастурга мувофиқ ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси тор доирадаги учрашув билан бошланади. Анъанага кўра, мажлис кенгайтирилган таркибда давом этади. Аъзо мамлакатлар раҳбарлари даврасига қузатувчи давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари қўшилади.

Давлатлар раҳбарлари ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш, узоқ муддатли яхши қўшничилик ва дўстлик муносабатларини ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, ШХТ маконида иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни фаоллаштириш юзасидан фикр алмашадилар.

Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунида Бишкек декларацияси қабул қилиниши, ШХТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбаев билан учрашди. Музокарада Ўзбекистон-Қирғизистон муносабатларига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

### Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 23-моддаси, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8, 10 ва 11-моддаларига мувофиқ, шунингдек, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг ваколат муддати 2013 йил ноябрь-декабрда тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши қарор қилади:

1. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг навбатдаги сайловини ўтказиш муддати 2013 йил ноябрь — декабрь ойлари этиб белгилансин.

2. Бўлажак сайловда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 97 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2013 йил ноябрь — декабрда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 2013 йилнинг 1 октябрга бугун муддатда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларни тuzиш;

2 >



## Навоийнинг шукуҳли кунлари

Мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида бўлгани каби, Навоий вилоятида ҳам «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» эзгу ғояси остида кенг нишонланган Ўзбекистон Рес-

публикаси Давлат Мустақиллигининг 22 йиллик байрами кўтаринки кайфият ва улкан ютуқлар билан кутиб олинди.

8 >

2 >



## Тўрақўрғонда ИЭС қурилиши бошланди

Наманган шаҳрини Чуст тумани билан боғловчи айланма йўлдан шу кунларда ўтган киши жануб томондаги адирлар бағрида улкан қурилиш майдончаси юзага келганлигини кўради. Бу ерда бульдозер ва экскаваторлар наъраси тинмайди.

Ҳозирча умумқурилиш ишлари олиб борилмоқда. Яъни иншоотлар қад кўтарилган майдончалар ҳозирланмоқ-

да, дўнгликлар олиб ташланиб, ўрни текисланмоқда. Бу ишларни бош пудратчи —

«Сирдарё ИЭС қурилиш» шўъба корхонаси бунёдкорлари олиб бормоқдалар. — Биз бу объектнинг Фарғона водийси вилоятлари иқтисодиёти учун нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунамиз, — дейди бош механик Юнус Миршарипов.

2 >

## Ҳуқуқ ва фаровонлик кафолати

Бўка шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ташаббуси билан «Инсон манфаатлари — энг олий қадрият» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари, Тошкент вилояти ва туман ҳокимликлари вакиллари, маҳаллалар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда истиқлол йилларида барча соҳаларда амалга оширилган ислохотлар, қабул қилинган қонун ва қарорлар энг авало

инсон манфаатларини кўзлагани мисоллар ёрдамида тushунтирилди. — Мустақилликка эришганимизга энди 22 йил тўлди, — деди кўйи палатанинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қодир Жўраев.

2 >

## Ёшлиқ, истеъдод, дўстлик байрами

Урганч шаҳрининг энг обод, файзли гўшаларидан бирига айланган «Ёшлар кўли» дам олиш масканининг тантанали очилиш маросимига воҳамизнинг шаҳар, қишлоқларидан нуроний отахонлар, онахонлар, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари ташриф буюришди.



8 >

# Жараён

## Ўзаро ҳамкорликни кучайтириш зарур

Давоми. Боши 1-бетда

Давлат органлари фаолияти очиклигини таъминлаш, мамлакатимизда турли соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар сиёсатини тўлақонли ёритишда журналистлар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари ходимларининг профессионал маҳорати ва кўникмаларини ошириш мазкур тадбирнинг асосий мақсади бўлди.

Семинар-тренингда Президентимизнинг 2013 йил 20 мартда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тўғрисида»ги Фармойиши асосида Бухоро ва Самарқанд вилоятларида мазкур лойиҳа меъёрларини синовдан ўтказиш, матбуот, сўз ҳамда ахборот эркинлигини таъминлаш борасидаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш соҳасидаги Ўзбекистон тажрибасига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ОАВлари билан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйишнинг асосий тамойиллари, шакл ва усуллари, мамлакатни демократлаштиришнинг замонавий шартларидан давлат ва жамоат ташкилотлари ахборот хизматла-

ри фаолиятини кучайтириш бўйича олиб борилаётган ҳуқуқий синов ҳақида аҳолини хабардор этишнинг янги самарали механизмларини қўллаш, давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишга доир хорижий тажриба ва амалиёт каби масалалар кўриб чиқилди.

Тадбир давомида ахборот хизматларининг касбий ва техник даражасини ривожлантириш, веб-сайтлардан фойдаланиш самарадорлигига эришиш, аҳолининг ижтимоий аҳамиятга молик ахборотларга эга бўлиш имкониятини яхшилаш, бу борада халқаро ижобий тажрибани кенг жорий этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Анжуман тренерлари — Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети доценти Ирода Исмоилова, журналист Қобилжон Хидиров амалий машғулотлар шаклида ва интерфасол усуллар асосида олиб борган семинар-тренингда таъкидланганидек, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси меъёрларини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий эксперимент амалга оширилаётган Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ҳам журналистларнинг, ҳам давлат органлари ахборот хизматлари вакилларининг янада фаоллиги кузатишга қараб келинди. Масалан, мазкур

ҳудудларда ҳуқуқий экспериментда кўзда тутилган вази-фалар доирасида жамоатчилик, жамоат бирлашмалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларини ҳуқуқий экспериментнинг бориши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти, улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар, дастурлар, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ривожланишга оид тегишли ҳужжатлар ҳақида кенг хабардор қилиш назарда тутилган ҳуқуқий-ташқилий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Экспертлар вилоятдаги ахборот хизматлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларга аҳоли фойдаланиши учун замонавий ахборот-коммуникация технологиялар ва медиа ускуналари билан жиҳозланган хона ажратиш, штат бирликларини белгилаш бора-бора тавсиялар беришди.

Журналистлар ва ахборот хизматлари вакиллари таъкидлаганларидек, юқоридаги қонун лойиҳаси меъёрларининг ҳуқуқий синовдан ўтказилиши қабул қилинадиган қонун сиёсатини яхшилашга, соҳада ҳуқуқий мувофиқлаштириш борасидаги камчиликларни бартараф этишга, шунингдек, қонун лойиҳаси тўғрисида фуқароларнинг хабардорлигини кенгайтириш ва уни жамоатчилик фикрини ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

— Мамлакатингиз ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш борасида катта ютуқларга эришди, — деди «Региональный диалог» (Словения) халқаро НТТнинг Ўзбекистондаги филиали раҳбари Мьюша Север. — Қонун устуворлиги таъминланиши, жамият янгиланаётгани, жамоатчиликнинг, дунёда ўхшашли йўқ маҳалла тизимининг ва сиёсий партияларнинг роли ошиб бораётгани бунда муҳим аҳамиятга эга. Амалга оширилаётган ислохотлар сиёсати очиклиги таъминланиши кишиларнинг жамиятда кеч-қолаётган жараёнлардан чуқур хабардор бўлишига янада кенг йўл очади. Бу эса уларнинг инсон манфаатларига қаратилган кенг қўламли ислохотларни изчил рўйбга чиқаришда фаоллигини оширади. Шу нукта назардан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказилаётгани диққатга сазовор тажрибадир. Синов жараёнини кузатар эканман, жамиятда экспериментга қизиқиш тобора ошиб бораётганига ишонч ҳосил қилдим. Демак, кишиларда дахлдорлик ҳисси кучаймоқда.

Эркин ЁДГОРОВ, журналист



## Тўрақўрғонда ИЭС қурилиши бошланди

Давоми. Боши 1-бетда

— Шунинг учун ҳамма фидокорона меҳнат қилмоқда. Кундалик топшириқлар ортими билан адо этилмоқда.

Маълумки, шу йил апрел ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқидан Фарғона водийсини ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор лойиҳалар ҳақида гапирган эди. Улар орасида мамлакатимизнинг уч вилоятда юзага келган муҳим ижтимо-

ий-иқтисодий муаммонинг ечими ҳам тилга олинган. Гап Тўрақўрғон туманида бунёд этиладиган иссиқлик электр станцияси ҳақида борганди ўшанда. Мазкур ИЭСнинг қуввати 900 мегаватт бўлиб, водий вилоятларининг электр энергиясига эҳтиёжини тўла қоплаш имкониятини беради. Натижанда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг янги шарт-шароитлари вужудга келади. Аҳоли ҳам узлуksиз электр энергияси таъминоти-га эга бўлади.

Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясининг лойиҳасида унинг иккита энергоблокка эга

бўлиши кўзда тутилган. Ҳар бир блокнинг қуввати 450 Мвтдан иборат. Улардаги бугунги турбиналар йилга 7 миллиард килловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқара олади.

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси вакилининг маълум қилишича, қурилиш муддатидан кейин қилиб белгиланган. Бу давр мобайнида станция билан биргаликда унинг инфратузилма тизими ҳам барпо этилади.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон «Адолат» СДП Наманган вилояти Кенгаши матбуот котиби

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

### Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида

Давоми. Боши 1-бетда

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашиш, зарурат бўлганда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш;

халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига ўз сайлов округларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни тайёрлаш ва ўтказиш-ни ташкил этишда фаол иштирок этиш; оммавий ахборот воситаларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш жараёнини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг мас-

лаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар томонидан ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини тўғрисидаги ахборотни умумлаштирсин ҳамда 2014 йил 15 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгашига сайлов янқунари тўғрисида ахборот берсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри, 2013 йил 12 сентябрь



## «Тонготор» да янги корхона

маҳсулотни қайта ишлаш қуввати эга. Эътиборлиси тайёрланаётган узум, олма концентратлари ва табиий шарбатларининг 70 фоиздан кўпроги экспортга чиқарилади. Энг қувонарлиси шундаки, «Тонготор» қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи ёшлардан 150 нафари иш билан таъминланди.

— Бахмал қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежини тамомлаб мазкур жамоада меҳнат фаолиятини бошладим, — дейди Санжар Ҳринов. — Биз қишлоқ ёшлари бундайн замонавий дастгоҳларни бошқаришга деб ҳеч ўйламаган эдик. Қишлоғимизнинг шундоққина биқинида жойлашган корхонанинг ишга туширилиши барча қишлоқдошларимизнинг, биз ёшларнинг кўнгилларини тоғдек кўтарди. Боиси асосан боғдорчиликка ихтисослашган қишлоғимиз одамлари ўз маҳсулотларини Самарқанд, Тошкент вилоятларидаги қайта ишлаш корхоналарига олиб боришар эди. Энди «Тонготор» ҚФЙ худудидидаги соҳибкорлар ўз маҳсулотини мен ишлайдиган корхонага топширадиган бўлишди.

Иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, sanoat тармоқларини илдам ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янги-

лаш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, туманда кейинги йилларда мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда яхшилаш-ни оширишга, янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини янада яхшилашга, қолаверса, туманнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, энг улар, энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами арафасида туманда бир қанча маиший ва савдо хизмат кўрсатиш объектлари ҳам фойдаланишга топширилди. Албатта, ушбу ишга туширилган ишлаб чиқариш корхоналари ҳисобига туманда истиқомат қилувчи аҳоли учун шарт-шароитлар қўламли янада ошади.

Ҳа, бугун тоғли Бахмал туманида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, режа асосида амалга оширилаётган ишлар тумандаги қишлоқларнинг чирой қўшиш билан бир қаторда уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширмоқда. Бу эса истиқлол берган улғу неъматлардан биридир.

Муқимбой ИСМОИЛОВ

## Ҳуқуқ ва фаровонлик кафолати

Давоми. Боши 1-бетда

— Бу тарих нуктаи назаридан жуда қисқа фурсат бўлишига қарамаздан, юртимизда мисли қўрилмаган ўзгаришлар рўй берди. Энг асосийси диёримизда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда. Аниқ рақамларга мурожаат этсак, ўтган даврда қандай оғир қийинчиликлар, муаммо, таҳдид ва синовларни енгиб ўтишимизга тўғри келганига қарамаздан, Ўзбекистон иқтисодиёти йиғирма йил давомида 3,5 баробардан зиёд ўсди.

Агарки, шу даврда мамлакатимиз аҳолиси қарийб 9 миллион кишига қўлайиб, 30 миллиондан ошганини инобатга оладиган бўлсак, ўтган вақт мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг жон бошига 2,5 баробар ошганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради.

2008 йилдан буён давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда 2008-2012

йилларда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати дунёдаги саноқли давлатлар қаторида 8,2 фоиздан кам бўлмаган даражани ташкил этгани, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги ва мутаносиблиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг профицит билан бажариллиши, экспорт ва олтин-валюта захираларининг кўпайиши таъминланаётганини айтишнинг ўзи кифоя.

Тадрижий тараққиёт концепциясини амалга ошириш, иқтисодиётнинг мафқурадан холи бўлиши, демократик ислохотларни босқичма-босқич жорий қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги ролинини тан олиш ва ўтиш даврида унинг таъсирини ошириш, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш каби принциплар юртимизда инсон манфаатлари олий қадриятга кўтарилганини исботлайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг шиддат билан ўсиб, тобора ривожланиб бораётган

мамлакатга, инсон, унинг ҳуқуқлари, манфаат ва эркинликларини ҳақиқий қадрият деб биладиган демократик, ижтимоий-сиёсий ва фуқаролик институтларига эга бўлган мустақил ва суверен давлатга айланишини таъминлаб берган яна кўплаб ҳал қилувчи омилларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Энг муҳими, тараққиёт, фаровонлик, инсон ҳақ-ҳуқуқлари тинчлик эвазига таъминланмоқда. Тинчлик бўлмаган жойда эса ўсиш ҳам, хотиржамлик ҳам бўлмайди. Нуронийларимизнинг дуога қўл очишганида, оилаларимизга, маҳаллага, юртга, дунёга тинчлик, хотиржамлик тилаши ҳам бежиз эмас.

Давра сўхбати якунида «Адолат» партиясининг гоёларига хайрихоҳ бўлган ва унинг дастурий гоёларини ўз маслага деб билган 20 нафар киши партия аъзолигига қабул қилинди.

Фархузда ХОЛМЕНОВА

# Иқтисодиётни ривожлантиришдан турмуш сифати ва даражасини ошириш сари

## Ислоҳот ва самара

Этироф этиш керакки, тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида мамлакатимизда тadbиркорликка кенг йўл берилди, бу соҳа учун қулай шароит юзага келди. Натижада одамларнинг фикри, дунёқароши ўзгарди, кўнглида жамият тараққиёти учун масъуллик ҳисси пайдо бўлди, ёшлар ижтимоий жиҳатдан фаоллашди, элимизнинг бугунгидан-да фаровон ҳаёт кечириш, орзу-умидларни тўла рўёбга чиқаришга бўлган ишончи ортди.

Бугун Ўзбекистон замонавий ривожланган демократик давлатлар сафига кириш, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, иқтисодиётни модернизация қилиш борасида этиборга молик муваффақиятларга эришадиган экан, бунда мамлакат бўйлаб тобора кенг қулоч ёзаётган тadbиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Мамлакатимизнинг тарихан қисқа даврда ўзини ўзи боқишга қурби етмаган ночор ўлкадан ўз кучи ва салоҳиятига таянган, ўзининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, бугун изчил ва барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган замонавий, мустақил ва суверен давлатга айланган барчамизга гуруҳ-иштихор бағишламоқда ва аксарият халқро кузатувчиларнинг ҳавасини тортмоқда. Эл-юртимиз қандай катта ютуқ ва марраларга эришганининг тасдиғини англаш учун охириги йиллар давомида биз қўлга киритган натижаларни, Ватанимизнинг бугунги салоҳияти ва ўсиш суръатларини ўзида яққол ифода этадиган кўрсаткичларга этибор қаратиш ўринлидир. Бугунги кунда 2000 йилга нисбатан мамлакатимизнинг ялли ички маҳсулоти 3,1 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 карра ўсгани, экспорт ҳажми 4,4 баробар, номинал иш ҳақи солиштирма нархларда 22 марта, пенсияларнинг ўртача миқдори 12,7 баробар ошгани, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад эса 8,4 баробар кўпайгани ва охириги олти йил давомида иқтисодиётимизнинг ўсиши 8 фоиздан ошиб келаётгани — буларнинг барчаси дунё миқёсида камдан-кам учраётган кўрсаткичлардан, деб бемалол айтиш мумкин. Истиқлол йилларида юртимизда аҳоли саломатлиги мустаҳкамланиб, оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ,

болалар ўлими 3 баробар камайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга узайгани Ўзбекистоннинг қандай катта юксалиши йўлини босиб ўтгани ва халқимизнинг ҳаёт сифати ўсиб бораётганидан далолат беради.

Тadbиркорликнинг ривожланиши ўз навбатида кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини муваффақиятли давом эттириш имконини берапти. Хусусан, 2013 йилда ижтимоий соҳани молиялашга бюджет харажатларининг деярли 60 фоизини ажратиш режалаштирилган бўлиб, бу борадаги ишлар муваффақиятли давом эттирилмоқда. Шу билан бир қаторда, бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағларини ҳисобидан жорий йилда

жами 204 миллиард сўмга 217 та умумтаълим мактабини реконструкция қилиш ҳамда 164 та умумтаълим мактабини мукамал таъмирлаш назарда тутилди, 159 та академик лицейни ва касб-хуна колледжини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашга 2013 йилда 129 миллиард сўм ажратилгани этиборга сазовордир.

Соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш дастурини амалга оширишга, шунингдек, соғлиқни сақлаш муассасаларини энг янги лаборатория, диагностика ва даволаш ускуналари, компьютер техникаси ва бошқа тиббиёт аппаратурини, ихтисослаштирилган мебель ва инвентарь билан таъминлаш ҳамда доимий равишда тизимли қайта жиҳозлашга жорий йилда Жамғарма маблағлари ҳисобидан 312 миллиард сўм ажратилди.

Бюджет сиёсатида бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамнинг манзиллигини кучайтириш, шунингдек, бюджетлараро муносабатлар тизимини янада ислоҳ қилиш бўйича маҳаллий ҳокимият органларининг мустақиллигини ҳамда даромадлар базасини кенгайтиришдан ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишдан манфаатдорлигини кучайтиришга қаратилган чоралар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Иш билан банд аҳолининг 75 фоиздан ортиги меҳнат қилаётган хусусий секторни ривожлантириш дастури давлатимизнинг ҳар томонлама кўмаги ҳамда ташаббус ва бунёдкорлик қўллаб-қувватланадиган бозор муносабатлари асосида амалга оширилмоқда.

Изчил ривожланиб бораётган мамлакатимиз хусусий секторини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида "Тadbиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонун 2013 йилнинг июнь ойидан қучга кирди. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ушбу қонун ҳужжатининг муҳимлиги қайд этилган. Бу бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш вазибалари билан боғлиқдир.

Шу ўринда "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишига аҳоли томонидан берилаётган баҳоларнинг асосий тенденциялари ва ўсиш суръатларини мониторинг режимида аниқлаш қаратилган ижтимоий сўровига этиборни жалб этсак. Унда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида истиқо-

лат қиладиган турли касб эгалари, ҳар хил ёш ҳамда миллатта мансуб хотин-қизлар ва эркеклар иштирок этди. Бу эса олинган маълумотларнинг ишончилигини таъминлади. Сўров натижалари республика фуқаролари юритилаётган ички ва ташқи сиёсатни, амалга оширилаётган кенг қўллаб-қувватлашнинг демократик ислохотларини тўла қўллаб-қувватлашни кўрсатди. Мамлакатимиз аҳолиси юртимизнинг мустақил тараққиёт йўлида эришган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги муваффақиятларига юқори баҳо бермоқда. Сўров иштирокчиларининг фикрича, бунинг самарасида аҳолининг турмуш даражаси ва сифати, халқ фаровонлиги юксалмоқда. Ўзбекистон фуқаролари 2013 йилда барча соҳада амалга оширилиши белгиланган тўб ўзгаришларга ижобий муносабат билдирган ҳолда, келажакка катта ишонч билан қарамоқда. Сўров иштирокчиларининг аксарияти (90 фоиз) 2013 йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти янада мустаҳкамланади, деб ҳисоблайди.

Мамлакатимиз фуқароларининг эл-юртига нисбатан садокат ва муҳаббат туйғуларига асосланган ватанпарварлик туйғуси юксалишидан далолат беради. Ижтимоий тadbиркорлик фуқаролар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасидан қониқ ҳосил қилаётганини кўрсатди. Бунда уларнинг



Тoшўлат МАТИБОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси докторант-таdqқотчиси

иқтисодиёт, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик, соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт, банк тизими, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазаси, фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси каби муҳим соҳаларнинг ривожидан мамнулик ҳисси барқарор сақланиб турибди. Сўров иштирокчилари мамлакатимизда оилаларнинг моддий фаровонлиги, турмуш шароити ва ҳаёт даражасини юксалтиришга қаратилган ишларга юқори баҳо берди. Кўпчилик сўров қатнашчилари ўз оилаларининг моддий аҳоли яхшилангани ва янада яхшиланиб бораётганини билдирди. Сўров давомида олинган маълумотлар аҳоли ўзининг кўпайиб бораётган ва жамғарган даромадини асосан узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, жумладан, машина техника ва компьютерлар харид қилиш, турмуш шароитларини яхшилашга сарфлаётганини кўрсатди.

Мамлакатимиз ҳудудларининг жадал суръатлар билан ижтимоий-иқтисодий ривожланиши давом этмоқда. Респондентларнинг 80 фоиздан ортиги ўзлари истиқомат қиладиган туман ва шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий аҳоли яхши ва барқарор, деб ҳисоблайди. Шубҳасиз, Ўзбекистон "Адолат" СДП давлатимиз томонидан аҳоли даромадини изчилик билан кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган сиёсатини қўллаб-қувватлайди. Биз ушбу сиёсатни иқтисодий ўсишнинг тўловга лаёқатлилик талабини ошириш, ишчи-хизматчилар ва уларнинг оиласини муносиб ҳаёт кечириши учун етарли бўлган серунум ва самарали меҳнатни рағбатлантиришга қаратилган асосий саяё-ҳаракатлардан бири сифатида қабул қиламиз.

## Хабарлар

Чехиянинг Ўзбекистондаги элчиси Гинек Пэйха Хоразм вилоятида бўлиб, янги троллейбуслар намойишида иштирок этди. Бу ҳақда Чехиянинг Тошкентдаги элчихонаси матбуот хизмати хабар беради.

## Элчи троллейбусда Хивага саёҳат қилди

Хоразмда бўлиб ўтган тadbирда шу кунгача Чехиядан Ўзбекистонга етказиб берилган Skoda русумидаги 4 та янги троллейбус намойиш этилган.

Тadbирдан сўнг Чехия элчиси янги троллейбусда. Урганчдан Хива томон йўл олиб, у ерда шаҳарнинг тарихий маркази билан танишди. Шунингдек, Гинек Пэйха вилоят марказида иш бошлаган «Ёшлар қўли» дам олиш боғи очилишида ҳам меҳмон бўлди.

## Пойтахтимизда замонавий автобуслар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 3 майда қабул қилинган "Тошкент шаҳар йўловчи ташиш автобуслари паркинги янада янгилаш чора-тadbирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, "Тошхартрансхизмат" уюшмаси ва Германиянинг "EvoBus GmbH" компанияси ўртасида имзоланган шартнома асосида пойтахтимизга 100 дона "Mercedes-Benz Conecto Low Floor" йўловчи ташиш автобуси, эхтиёт қисмлар ва диагностика анжомлари келтирилиши режалаштирилган.

Пойтахтимизга ўттизта ана шундай автобус келтирилди. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг имтиёзли кредит маблағлари ҳисобига молиялаштирилмоқда.

"3-автобус саройи" очик акциядорлик жамиятида турли русумдаги 210 автобус йигирма йўналишда пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига хизмат кўрсатмоқда.

Мазкур автобус саройига қарашли 115- ва 76-йўналишларда янги "Mercedes-Benz Conecto Low Floor" автобуслари қатнови йўлга қўйилди.

Мазкур автобуслар салонининг кенг ва ёруғлиги, бошқарувининг энгиллиги ва хавфсизлик қоидаларига жавоб бериши, салонга ташқи шовқин деярли эшитилмаслиги, чиқиб ва тушининг осонлиги, ўриндиқларнинг юмшоқ ва бежиримлиги йўловчилар билан бирга, ҳайдовчилар учун ҳам катта қулайликлар яратди.

Бугун бутун дунёда атроф-муҳит муҳофазаси катта долзарблик касб этаётган бир пайтда экологияга зарари кам транспорт воситаларига эхтиёж тобора ошмоқда. "Mercedes-Benz Conecto Low Floor" автобуслари Евро-3 стандартли двигател билан жиҳозлангани унинг атмосферага чиқарадиган зарарли моддаларни камайитириш имконини беради.



## Кичик бизнес қўллаб-қувватланмоқда



Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг қўллаб-қувватланаётгани, улар учун турли хилдаги имтиёзлар ва преференциялар берилиши соҳанинг иқтисодиётимиздоги салмоғи йил сайин ошиб боришини таъминлапти. Бунда, айниқса, соҳага банклар томонидан кредитлар ажратилаётгани алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, Агробанкнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси шаҳар ва туман филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2013 йилнинг 1 сентябрга қадар барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 19,8 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Ушбу ажратилган кредитлар эвазига эл фаровонлиги юксалиши билан бир қаторда 1718 та янги иш ўринлари яратилгани тахсинга лойиқдир.

Айтиш керакки, мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотларига бўлган эхтиёжини тўлақонли таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2009 йил 26 январда «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»-ги ҳамда 2009 йил 28 январда «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»-ги қарорлари қабул қилинган. Мазкур қарорлар ижросини рўёбга чиқариш мақсадида, ўтган давр мобайнида бошқарма томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Янги бошқарма томонидан озиқ-овқат

товарлари ишлаб чиқарувчиларга 4,7 миллиард сўм миқдорда ва ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларга 3,1 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

— Аҳолининг нон ва нон маҳсулотларига бўлган талаби юқорилигини ҳисобга олиб, шундай маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирдик, — дейди «Халқбад платина» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Қууат Расбергенов. — Шу мақсадда Агробанк кредит сўраб мурожаат қилдик. Қисқа фурсатда бизга 75 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Маблағга ускуна харид қилиб, цехни ишга туширдик. Айни пайтда корхонада 5 кишини иш билан таъминлагина қолмасдан, ҳудуд аҳолисига сифатли нон ва нон маҳсулотлари етказиб берамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»-ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистонда тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Тadbиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тadbиркорлик фаолиятини

йўлга қўйишига кўмаклашиш бўйича жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида банк томонидан 1,5 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

— Бугунги кунда юртимизда аёлларга кўрсатилаётган этибордан кўп қатори мен ҳам ҳада қувонаман, — дейди «Флорисита» хусусий корхонаси раҳбари Завра Юсупова. — Ана шу этибордан руҳланиб, аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида ёқилги қўйиш шохобчасини қурмоқчи бўлдим. Менинг бу интилишимни, бизнес режамни Агробанкдагилар ҳам қўллаб-қувватлашди. Мурожаатимга асосан менга 100 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Ҳозирда шохобча ишга тушиб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда. Қўшимчасига бу ерда 4 киши муҳим иш жойига эга бўлишди.

Таъкидлаш керакки, Агробанкнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан деҳқон ва фермер хўжалиқларига чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш мақсадида мунтазам суръатда кредит маблағлари ажратиб келинмоқда. Банк кредитлари ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар натижасида ҳудудда мазкур тармоқлар янада ривожла-



ниб, ишлаб чиқаришнинг салмоғи тобора ортмоқда, қўллаб иш ўринлари яратилмоқда, энг асосийси, аҳоли фаровонлиги юксалмоқда.

Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига банк бошқармаси ва филиаллари томонидан қорамолларни кўпайтириш учун 700 млн. сўм, паррандачилик равнақи учун 188 млн. сўм, балиқчиликни йўлга қўйиш учун 230 млн. сўм ҳамда асаларичилик ривож учун 40 млн. сўм миқдорда банк кредитлари ажратилди.

Жумладан, чорвачиликни янада ривожлантириш, сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадида банк то-

Reklama

# ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА



БПТ — фаол куч

## Аҳоли саломатлиги эътиборда

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сайловолди дастурида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда партия иштирокини таъминлаш алоҳида ўрин тутди. Шундан келиб чиқиб, партия фаолиятида бу масала катта ўрин эгаллаб келмоқда.

Балиқчи туманида ана шу вазифалар ва «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда партия аъзоларининг фаоллиги ортиб бормоқда. Бу борада жойлардаги бошланғич партия ташкилотларининг олиб бораётган ишлари ҳам эътиборга моликдир. Тумандаги Чинобод қишлоғида ташкил этилган куйи ташкилот фаолияти бунинг ёрқин ифодасидир.

Яқинда мазкур БПТ ва Чинобод шифохонаси томонидан ҳамкорликда ташкил этилган «Аҳоли саломатлиги ва тиббий хизмат сифатини яхшилаш — бош мақсадимиз» мавзусида-

ги тадбирда ҳам жойларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга эътибор қаратилди. Партия фаоллари ва маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан Чинобод қишлоғида яшовчи фуқароларга қандай тиббий хизмат кўрсатилаётгани ўрганилди, фуқаролар билан суҳбат ўтказилди.

Шунингдек, тадбир доирасида қишлоқдаги фахрийлар ва кам таъминланган оила аъзолари тиббий кўриқдан ўтказилди. Ёлғиз яшовчилар ва кам таъминланган оилаларга туман тиббиёт бирлашмаси томонидан дори-дармонлар тарқатилди.

— Ўзбекистон «Адолат» СДП Балиқчи туман кенгаши билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Партия аъзолари орасида тиббиёт ходимлари кўпчиликини ташкил этиши ҳам бежиз эмас, — дейди Чинобод шифохонаси бош шифокори У.Шамсидинов. — Партиянинг Сайловолди дастурида бу масала алоҳида кўрсатиб ўтилгани бизни янада изчил ҳамкорликка ундайди. Партия фаоллари томонидан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини мунтазам назорат қилиб борилиши эса зиммамиздаги масъулиятни янада оширади.

Балиқчилик партиядошларимиз бошлаган бу ташаббус вилоятдаги кўпчилик туманларда ҳам давом этмоқда.

**Акбаржон НАЗАРОВ,**  
Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши матбуот котиби

## Юрт истиқболи ва электорат манфаати йўлида

### Депутатлик гуруҳларида

Партиямиз ташкилотлари ва депутатлик гуруҳимиз туманнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшишни, фуқароларнинг муурожаатларини ижобий ҳал қилишни, қонунлар, давлат дастурлари ҳудудларда бажарилишини таъминлаш мақсадида сессиялар ва доимий комиссияларга масалалар киритишни асосий вазифалардан, деб билди.

Хусусан, партия Сайловолди дастури, 2011-2014 йилларда мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида депутатлик гуруҳлари томонидан аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор масалалар ўрганилиб, туман кенгашининг доимий комиссиялари ва сессиялар муҳокамасига олиб чиқилди. Айни пайтда Юртбошимизнинг жорий йил 1 мартдаги «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва партиямиз дастурий ғояларидан келиб чиққан ҳолда, туманда муқобил энергия манбаларини ривожлантириш борасидаги таклифи илгари суришни режалаштиряпмиз.

Депутатлик гуруҳимиз аъзоларининг йил бошидан бери ўтказган қатор учрашувларида аҳоли томонидан кўпгаб фикр-мулоҳазалар, таклифлар ўртага ташланди. Депутатлик ваколатидан фойдаланиб, айрим долзарб муаммоларни қонун доирасида халқ депутатлари туман кенгаши, туман ҳокимлиги сессия ва йиғилишларида олиб чиқиб, ҳокимлик ҳамда тегишли мутасаддилар кўмагида ижобий ечимини топшида саяҳат-ҳаракат кўрсатаяпмиз. Маҳаллаларда янги иш ўринлари очил, маҳалла гузарлари, ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчаларини қуриб фойдаланишга

топтириш, шунингдек, кам таъминланган оилаларга ҳоимийлик ёрдамлари кўрсатиш ишлари назорат қилинмоқда. Айниқса, шу кунларда Қарлик қишлоғида бунёд этилаётган 360 ўринли лойиҳа қиймати 2 миллиард 329 миллион сўм бўлган маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежини ўз вақтида фойдаланишга топширилиши депутатлик назорати остида.

Шунингдек, туман партия кенгаши жамоатчилик назорати гуруҳига келиб тушаётган аризаларнинг ҳам жойида ечим топишига ҳаракат қилаяпмиз. Юртбошимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда

уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори фуқароларни шаҳар шароитидан кам бўлмаган уй-жой билан таъминлаш имконини бермоқда. «Янги Қорақум» массивида яшовчи фуқаролар намунали лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишига амалий ёрдам кўрсатишимизни сўраб депутатлик гуруҳимизга муурожаат билан чиққан эди. Ушбу аризани атрофлича ўрганиб чиқиб, халқ депутатлари Муборак туман кенгаши сессиясига масала киритдик. Шуниси эътиборлики, гуруҳимиз сўровномаси оқибатсиз қолдирилмади. Ҳозирги кунда 130 та уйни қуриб битказиш ишлари бошланди.

Бу эса аҳоли ва электоратимизнинг партияга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга, пировардида, аъзоларимиз ва хайрихоҳларимиз сифатининг кенгайтиришига хизмат қилмоқда. Умуман, партиямиз дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш борасидаги ишлар ҳақида кенг жамоатчиликни бохабар этаяпмиз.

Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида сайловчилар томонидан менинг номимга 10

та оғзаки ва ёзма муурожаатлар келиб тушди. Шунингдек, туманимиздаги «Кўҳна шаҳар» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «М.Худдийев» маҳалласи, «Сариқ», «Қарлик» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Хўжамуборак», «Набихон» маҳаллалари фаолларининг носоз йўллари таъмирлаш хусусидаги муурожаатлари ҳам депутатлик сўрови асосида ўз ечимини топди.

Хизмат кўрсатиш, сервис соҳасида янги иш ўринлари ташкил этиш, бандликни таъминлаш масаласи ҳам депутатлик гуруҳимиз олдида турган муҳим вазифалардан. Партиямиз бошланғич ташкилотлари ҳамда гуруҳимиз бу масалага жиддий эътибор қаратапти. Хусусан, тегишли дастурларда белгиланган вазифалар ижроси бўйича депутатлик ҳамда жамоатчилик назорати кучайтирилди. Шунингдек, ваколатларимиз доирасида тумандаги идора ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини ҳам мунтазам эшитиб бораёпмиз. Яқинда ўтказилган гуруҳимиз йиғилишида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг тумандаги ижроси юзасидан туман ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳамда «Қорақум», «Муборак» қишлоқ фуқаролар йиғинлари раисларининг ҳисоботларини эшитдик.

Олдимизда депутатлик гуруҳи фаолиятини янада кучайтириш, мутасадди ташкилотлар билан ижтимоий шерикчилик асосидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамоатчилик ҳамда депутатлик назоратини тизимли йўлга қўйишдек улкан вазифалар турибди. Бу эса биздан янада ташаббускор ва талабчан бўлишни тақозо этади.

**Равшан ҲАМРАЕВ,**  
халқ депутатлари Муборак туман кенгаши депутати, партиянинг туман кенгаши раҳбари

## Ошкоралик —

### халқ билан бошқарув органларининг яқинлигидир

#### Ҳудудий партия ташкилотларида

Бухоро ва Самарқанд вилоятларида амалга оширилаётган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент хусусида кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш, барча аҳоли қатламларининг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш қонуннинг муқамаллигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Бу борада Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳудудий ташкилотларида ҳам бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Бухоро вилоятининг Жондор туманида бўлиб ўтди. Халқ депутатлари туман кенгашидаги «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан ўтказилган ўқув-семинар ҳам фуқаролар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув

органлари ўртасидаги яқинлики янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган қонун лойиҳаси юзасидан ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент мазмун-моҳияти хусусида бўлди.

Тадбирда сўзга чиққан туман ҳокими Каюм Саломов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят филиали директори Шухрат

Бафоев, туман прокурори Мурод Ашуров, вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Зарнигор Имомовалар ҳуқуқий экспериментнинг аҳамияти, мақсад ва вазифалари хусусида атрофлича маълумот бериб ўтдилар.

Жумладан, тадбир иштирокчиларига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари таркибий тизилмаси, уларнинг вазифалари, қонун лойиҳаси доирасида давлат ҳокимияти, бошқаруви органларига фуқароларнинг муурожаат қилиш, ариза ҳамда сўров бериш ва жавоб олиш тартиблари, амалга оширилаётган ҳуқуқий эксперимент жараёнида вилоятда бажарилиган ишлар хусусида батафсил маълумот берилди. Қизгин баҳс-мунозара тарзида ўтган тадбир иштирокчилари бу борада ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Ҳамро ОҚИЛ,**  
«Adolat» мухбири

Партия ўзининг сайловолди дастурида, аввало, келгусида ҳам бошқарувда ошкоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш зарурлигини илгари суради. Шу муносабат билан партия ушбу принципларни таъминлашга қаратилган муайян давлат дастурларини, жумладан, фуқаролар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида ахборот алмашинувини жадаллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид муҳим масалалар ечимига оид қарорлар қабул қилиш, мазкур қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш жараёнларида жамоатчиликнинг фаол иштирок этишига ёрдам берадиган «электрон ҳуқуқат»ни жорий этиш бўйича дастурни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни таклиф этади.

(Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг сайловолди дастуридан)

## Эртанги кун эгалари —

### умид ва ишончимиз

#### Давра суҳбати

Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши ташаббуси билан «Улар келажагимиз ворислари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари раислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, «Аёллар», «Ёш адолатчилар» қаноти етакчилари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Рустам Тўйчиёв мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодга кенг имкониятлар яратилаётгани, фақатгина улардан оқилона фойдаланишимиз лозим эканлигини таъкидлади. Бугунги кунда вилоят партия аъзоларининг каттагина қисмини айнан ёшлар ташкил этаётгани, шу боис ҳам «Ёш адолатчилар» қаноти фаолиятига алоҳида эътибор бериш лозимлигини қайд этди.

— Кечагина барчамиз мустақиллигимизнинг 22 йиллик шодиданларини кўтаринки руҳда кутиб олдик, — деди «Ёш адолатчилар» қаноти раиси Лазиз Бердиев. — Албатта, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда биз ёшларнинг ҳам ўз ўрнимиз бор. «Адолат» СДП

Жиззах вилояти Кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти томонидан ўтган давр мобайнида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, вилоят ва маҳаллий партия ташкилотлари томонидан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга амалий ёрдам бериш бўйича 50 дан зиёд амалий ва назарий тадбирлар ташкил этилди. Тадбирларнинг асосий йўналишлари ёшларнинг жамиятда ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда «Адолат» СДП ғоялари тарғиботини янада кучайтиришдан иборат бўлди.

Ҳисобот даврида партия «Ёш адолатчилар» қаноти фаолиятини янада кучайтириш, уларнинг ташаббускорлигини оширишга оид қатор амалий ишларга қўл урилди. Жумладан, вилоятнинг 13 та ҳудуди-



да «Ёш адолатчилар» — партиянинг катта умиди ва ишончи», «Биз — эртанги кун эгаларимиз» мавзуларида семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Ушбу тадбирларда фаол иштирок этган партия электорати ҳамда мутасадди ташкилот ва идоралар вакилларидан тушган таклиф ва мулоҳазалар асосида жойлардаги депутатлик бирлашмалари томонидан ҳам тарғибот ишлари олиб борилди.

Бугунги кунда ёшлар билан ишлаш бўлимида партиянинг дастурий ғояларини аҳоли онига тўлақонли етказишга оид тажрибали кадрларга эҳтиёж сезилмоқда. Чунки

фаол, сиёсий етуқ, малакали кадрларга партия нуфузини кўтаришга хизмат қила олади.

Шунингдек, йиғилишда вилоятда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислохотларда вилоят партия Кенгашининг иштироки ҳамда фаоллигини кучайтириш юзасидан қатор таклифлар билдирилди. Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ,**  
Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши матбуот котиби

# Биометрик паспорт — хавфсизлигимиз кафолати

Маълумки, Президентимизнинг 2011 йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мувофиқ юртимизда биометрик паспорт тизими жорий этилмоқда. Ушбу жараён 2015 йилнинг охирига қадар якунланиши кўзда тутилган бўлиб, бу давр мобайнида республикамизнинг барча ҳудудларида амалдаги паспортлар босқичма-босқич биометрик паспортлар билан тўлиқ алмаштирилади.

Хўш, биометрик паспорт жорий қилинишидан қандай мақсадлар кўзланган? Фуқароларга ушбу турдаги паспортларни беришда қандай қўшимча қулайликлар яратилган? Янги паспортнинг афзалликлари нимада?

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонасида транспортдаги ички ишлар идоралари ходимлари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда ўтказилган «Биометрик паспорт — хавфсизлигимиз кафолати» мавзусидаги учрашувда иштирокчиларга бу ҳақда батафсил маълумотлар берилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон 22 йилдан буён халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аззоси сифатида қўллаб-қувватланаётган ҳамда хужжатларни, жумладан, 1944 йилда қабул қилинган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго конвенцияси ҳамда 2004 йилдаги Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) Монреаль ассамблеясининг резолюцияси ижросини таъминлашда иштирок этмоқда.

Республикамиз мазкур хужжатларга мувофиқ ва ИКАО аззоси сифатида ўз мажбуриятларига риоя қилган ҳолда биометрик паспорт ва электрон ҳаракатланшиш ҳужжатини жорий этмоқда. Бу ҳужжатнинг ҳар бири унинг эгаси ҳақида шахсий биометрик параметрлар — рақамли фотосурати ҳамда бармоқлари излари туширилган биографик маълумотларни ўз ичига олган махсус электрон чип билан таъминланган.


Таъкидлаш лозимки, айни пайтда электрон алборот ман-

басига эга биометрик паспортлар дунёнинг аксарият мамлакатларида жорий этилган. Улар халқаро фуқаро авионавигацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбакилаштирилишига қарши ҳимоя даражасини ошириш, давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификациялаш механизмларини такомиллаштириш, халқаро авиаташишлар сифати ва самарадорлигини янада ошириш, шунингдек, авиайўловчилар учун юқори даражадаги қулайликлар яратиш ҳамда уларнинг вақтини тежаш мақсадида татбиқ этилмоқда.

Шунга мувофиқ, электрон чипга эга куйидаги ҳужжатлар — ўзбек ва қорақалпоқ тилидаги Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланшиш ҳужжати, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти белгиланди.

Тайёр паспортлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролиқни расмийлаштириш бошқармасининг ҳудудий бўлиmlарида расмийлаштирилишда ва берилмоқда. Яшаш жойлардаги паспорт столлари энг замонавий ускуналар ҳамда технологиялар билан таъминланди. Тегишли мутахассислар махсус ташкил этилган курсларда мунтазам ўқитилмоқда.

Янги паспорт тизими шахсни тасдиқловчи ҳужжат сифатида халқаро талабларга тўла жавоб бериши билан амалдаги паспортдан фарқ қилади. Хусусан, биометрик паспорт 36 варақдан иборат (аввалгиси 32 варақ) бўлиб, унинг



ҳимоя тизими кучайтирилган. Уни қалбакилаштириш имкони йўқ. Паспортнинг орқа муқовасига жойлаштирилган махсус қурилма (чип)га фуқаро — паспорт эгасининг биографик ва биометрик маълумотларининг электрон нусхаси киритилади. Бу омил фуқароларининг халқаро аэропорт, чегара пунктларидан ўтаётганда шахсини идентификация қилишни осонлаштиради.

Бундан ташқари, биометрик паспортлар ИКАО тавсиялари мувофиқ, лотин графикасида ўзбек ва инглиз тилида, Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси учун эса қорақалпоқ, ўзбек ҳамда инглиз тилларида тайёрланмоқда. Унга базавий маълумотлардан ташқари, фуқаронинг ҳарбий хизматга мажбуриги, никоҳнинг рўйхатга олингани ёки бекор қилингани, рўйхатга қўйилгани ёки чиққани ҳақидаги қайдлар, чет элга чиқишга рухсат берувчи қайдалар, 16 ёшга бўлган болаларга ҳамроҳлик қилувчи шахслар ҳақидаги ва бошқа маълумотлар ҳам киритилади. Паспортга фотосурат босмалаш усули билан киритилган ҳимоялашга хизмат қилади.

Шунингдек, биометрик паспорт бериш жараёнида кекса ва ногиронларга қўшимча шароит яратиш ҳам кўзда тутилган. Бунинг учун биометрик маълумотларни йиғишга

мўлжалланган ҳаракатдаги станция хизмати жорий этилтирилмоқда. Унга кўра, паспорт хизмати ходими ногирон ёки кекса фуқаро яшайдиган хонадонга бориб, унинг сурати ҳамда бармоқ изларини олиб, паспорт олиш учун талабнома шакллантиради. Тайёр бўлган паспорт яна аризончи уйига бориб топширилади.

Янги паспорт тизими фуқароларимизнинг хавфсизлигини таъминлаш, қолаверса, мамлакатимиз тинчлигига раҳна солувчи омиллардан ҳимоя қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга, — деди Ички ишлар вазирлиги Транспортдаги ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими масъул бошлиғи Суннат Шеров. — Дунё ҳамжамиятининг доимий диққат марказида турадиган, тараққиёт ва ҳамжихатликнинг кафолати ҳисобланадиган икки муҳим тамойил бор — хавфсизлик ва барқарорлик. Айниқса, халқаро мисолида иддао қилган диний экстремизм, терроризм ҳар ҳақидада инсталланган давлатнинг барқарорлигига хавф солиб турган бир шароитда хавфсизлик чораларини кучайтиришнинг аҳамияти янада ошди. Тобора глобаллашяётган, интеграциялашув жараёнлари кучайган, транспорт коммуникациялари ривожланган ҳозирги даврда фуқароларнинг чет элда эркин ҳаракатланишини таъминлашнинг

кафолатлари ҳам хавфсизлик талаблари даражасида кучайтирилмоқда. Бунда фуқароларнинг биометрик паспортларида жойлаштирилган маълумотлар муҳим ўрин тутади.

Хориж тажрибасига назар ташланса, биометрик паспортдаги махсус электрон чипларни ўқиш имконини берувчи терминаллар нафақат чегараларда, балки келгусида мамлакат ичкарисидидаги хавфсизликни таъминлаш пунктларида ҳам ўрнатилиши мумкин. Бу эса жиноят олами вакиллари хуружидан, террористик гуруҳлар аъзоларининг қилмишларидан, қидирувда бўлган шахсларнинг жамиятга етказиши мумкин бўлган зараридан янада пухта ҳимоя қилиш имконини беради. Бундан келиб чиқадиган, айнан жамоат хавфсизлигини таъминлаш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишдек кенг қўламли сазй-ҳаракатлардан қўзланган азгу мақсадлар билан ҳамохандир. Зеро, мамлакатимиз фуқароларининг хавфсизлиги, ҳуқуқларининг кафолатини таъминлаш — улкан масъулиятдир.

Тадбир сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олдилар.

Илҳос САХАТОВ,  
«Adolat» мухбири

## Сўранг, жавоб берамиз!

### Компьютер олишни хоҳлайман

Ёшим ўн олтида. Касб-ҳунар коллежининг талабасиман. Мен ўз стипендиям ҳисобидан кредитга компьютер олишим мумкинми? Айтинг-чи, менин ёшимдаги вояга етмаганларнинг му

З.Тўхтамуродов,  
Тошкент вилояти

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар қисман муомалага лаёқатли бўлиб, вакилларнинг розилиги бўлган тақдирда ўз ҳаракатларига оид ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

Улар ўзларининг иш ҳақлари ёки стипендияларини тасарруф қилишга, ўз асарлари, ихтироларига бўлган муаллифлик ҳамда ихтирочилик ҳуқуқларини, ўз кашфиётларига бўлган ҳуқуқларини амалга оширишга, кредит муассасаларига маблағлар қўйиш ва уларни тасарруф этишга, шунингдек, майда маиший битимларни тузишга ҳақлидирлар.

Абдурашид БАЙМАКОВ,  
Ангрэн шаҳар ДНИ нотариуси

### Васий бўла оламанми?

Яқинда синглим вафот этиб, икки нафар фарзанди менинг оиламда тарбияланмоқда. Қандай ҳолатларда менга васий ёки ҳомий бўлишимга рухсат берилмаслиги мумкин?

Дилором Жамолова,  
Олмалиқ шаҳри

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;

қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;

собиқ фарзандликка олувчилар, агар фарзандликка олганлиги бекор қилинган бўлса;

қонун билан зиммаларига юклатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликлари ёки ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилганликлари учун васийлик ва ҳомийлик вазифаларидан четланганлар;

қасддан содир этган жинояти учун илгари ҳукм қилинганлар васий ёки ҳомий бўла олмайдди. Агар сиз юқоридаги ҳолатлардан мустасно бўлсангиз, тегишли қонун доирасида васий ва ҳомий бўлишингиз мумкин.

Наргиза АҲМЕДОВА,  
Олмалиқ шаҳар ФХД мудири

### Нотариус нега рад этди?

Баъзи бир битимларимизни расмийлаштириш учун нотариат идорасига мурожаат қилган эдик. Лекин нотариус бизнинг ҳужжатларимизни расмийлаштиришдан беш торди. Айтинг-чи, қайси ҳолларда нотариус нотариат ҳаракатларини амалга оширишни рад этади?

Зарифа Хайруллина,  
Тошкент вилояти

Нотариус куйидаги ҳолларда нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этади, агар:

бундай ҳаракатни амалга ошириш қонунга зид бўлса;

бу ҳаракат бошқа нотариус томонидан амалга оширилиши керак бўлса;

муомалага лаёқатсиз фуқаро ёхуд зарур ваколатлари бўлмаган вакил нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган бўлса;

юрдик шахс номидан амалга оширилган битим унинг уставида ёки низомида кўрсатилган мақсадларга зид бўлса;

битим қонун талабларига мувофиқ бўлмаган;

нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаган.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этиш ҳақида нотариус мурожаат қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмасдан қарор чиқаради.

Нотариус нотариал ҳаракатни амалга ошириш тўғрисида мурожаати рад этиш ҳақидаги илтимосига биноан рад этиш сабабини ёзма равишда баён этиши ва рад этиш устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириб бериши лозим.

Римма ЧУМАРИНА,  
Чирчиқ шаҳар ДНИ нотариуси

### Қўшма корхона ташкил этмоқчиман.

Мен хорижий инвестиция иштирокида корхона ташкил этмоқчиман. Дастлабки фаолият учун қандай кафолат ва имтиёзлар мавжуд?

С.Маҳмудов,  
тадбиркор

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кенг қўламадаги кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликлар тизими яратилди.

Жумладан, ушбу фармонга мувофиқ:

хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қончилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, бир қанча солиқ ва мажбурий ажратмалар тўлашда мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақлидирлар;

қиймати 50 миллион АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида, ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши кўрсатилган.

А.БАРОТОВ,  
Бухоро вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

# Умр йўлидаги доғлар

## Адолат тарозиси

Улар ҳалол меҳнат қилиб, бошқалардек гўзал турмуш кечирдишлари, орзу-ҳавасларига етишлари мумкин эди. Аммо бунинг ўрнига ноқонуний ишлар билан шуғулланиш ҳисобига бирдангина мўмай пул ишлаб, турмушларида ўзгариш қилмоқчи бўлишди. Ўзларини ўтдан-чўққа уришди. Бироқ ҳамма нарсанинг чеки-чегараси бор. Қолаверса, қинғир иш бир кун барибир катта ташвиш келтиради. Амалдаги қонунлар, тартиб-қоидаларга бўйсунмай, уларни четлаб ўтиб, катта даромадга эга бўлиш, бой-бадавлат яшаш илнжидида нопок ишларга қўл урган бу кимсаларнинг жиний хатти-ҳаракатлари узоққа бормоқди, фош бўлди. Бугун улар панжара ортида ўз қилмишларидан қаттиқ пушаймон бўлишмоқда. Ҳаром лўқма тешиб чиқишлигини, татимаслигини тушуниб етишяпти. Кўр-кўрона ҳаёт, енгил-елпи ишлари ортидан пайдо бўлган муаммолардан афсус-нодомат чекишмоқда. Лекин энди бундан наф йўқ. Ахир кўза аллақачон синиб бўлган, уни аш ҳолига асло қайтариб бўлмайди. Библи-билмай қилинган хатолар умр йўлидаги доғларга айланиб, тақдирнинг аччиқ қисматини доимо ёдга солиб туради.

## СОХТА ТАДБИРКОРНИНГ ХУФИЁНА ЦЕХИ

Бугунги тадбиркор тўла маънода эл мададкорига айланган. Ўзининг эркин фаолият кўрсатиши учун яратилган барча қулайлик ва шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, жойларда қатор соҳаларни юзага келтирмоқда. Янги иш ўринлари яратиб, қўллар турдаги сифатли ва харидор-гир маҳсулотларни ишлаб чиқаряпти. Ўзимиздан ортгани-

ни чет элга экспорт қилмоқда. Бу маҳсулотларга «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган», деган ёрлик жуда ярашиб турибди.

Янги замон кишиларига айланган тадбиркорларнинг иш фаолияти, яшаш тарзи кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Уларга ўхшаб яшаш, юртга катта наф келтиришга ҳавас қилаётганлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Аммо тадбиркорликнинг ҳаётбахш кучидан ҳамма ҳам бир хилда ҳис этавермас экан. Буни биз Олтинсой туманидаги «Наврўз»

маҳалласида истиқомат қилувчи 33 ёшли сохта тадбиркор Абдиолим Уразовнинг хуфиёна ишларида кўрдик.

Оиласи, икки фарзанди бўлатуриб, бирон жойда ишлашни ўзига эп кўрмаган бу йигит енгил-елпи ҳаёт кечириб, қинғир йўллар билан пул топиш пайида бўлди. Бошқалардек тадбиркорлик қилиб, шон-шухрат орттириш, ён-атрофидагиларга кўмак бериб, уларга ибрат бўлиш ўрнига ўзи яшаётган унинг ертўласида яширин цех очиб, қўлбола ёғ ишлаб чиқариш билан шуғулланди. Бундай маҳсулотнинг инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатишини, бошлаган иши ёмон оқибатларга олиб келишини ҳаёлига ҳам келтирмади. Нотаниш кимсалардан мойжувоз ускунаси ва чигит сотиб олиб, ўзининг нопок ниятини амалга оширишга киришди. Электр токига ускунани ноқонуний равишда улаб, истеъмолга яроқсиз қўлбола ёғ ишлаб чиқара бошлади.

Халқимизда «Кўза кунда эмас, кунда синди», деган гап бор. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятлар, жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Олтинсой тумани бўлими ходимлари бу ишга нуқта қўйдилар. Сохта тадбиркор кўпчиликка фириб бериб, ўзининг ноқонуний фаолиятини узоқ давом эттирмоқчи ва бу хатти-ҳаракатларининг орқасидан мўмай пул ишламоқчи бўлганди. Аммо ниятига етолмади. Бўлим ходимлари томо-

нидан ўтказилган текширишда унинг хуфиёна тарзда қўлбола ёғ тайёрлаб келатганини ашёвий далиллар асосида фош этилди. Ертўладаги умумий қиймати 820 минг сўмлик мойжувоз ускунаси, 360 килограмм техник чигит, 15 литр қора ёғ, 90 килограмм кунжар ҳолислар иштирокида тегишли тартибда ҳужжатлаштирилди. Энди сохта тадбиркор қўлидан келмайдиган ишга қўл урмайди. Яширин цех очиб, қўлбола ёғ ишлаб чиқаришни бошқаларга ҳам маслаҳат бермайди. Чунки, ҳеч бир хуфиёна иш яшшиликка олиб бормаслигини, оқибати ёмон бўлишини бугун у яхши билади.

## НАФС БАНДАСИ

Эндигина 23 ёшга кирган бу йигит бошқалардек яшаб, ҳалол меҳнат қилиб, элда обрў-эътибор орттириши мумкин эди. Аммо бунга бўйни ёр бермади. Енгил-елпи пул топиб, ҳаёт кечириб йўлини танлади. Шу тарзда Денов шаҳар Бобур кўчасидаги 25-уйда истиқомат қилувчи Худойберди Турсунов ўзининг қандай қилиб нафс бандасига айланиб қолганлигини сезмай ҳам қолди. Қилаётган иши маънавиятимизга, юксак маънавий қадриятларимизга тамоман зид эканлигини била туриб, ҳар хил беҳаёт фильм, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи дискларини сотишдан тийилмади. Ҳеч қандай лицензия ва махсус рухсатномага эга бўлмасдан фаолиятининг шундай тури билан мунтазам шуғулланиб келди. Оқибатда, сохта тадбиркорликни ўзига

касб қилиб олган Х.Турсуновнинг ноқонуний ишлари фош этилиб, унга нисбатан маъмурий жазо қўллангани.

Ёш бўлишига қарамай, ўз нафсининг қулига айланган бу кимса бундан тегишли хулоса чиқариб олмади. Қинғир ишларини давом эттириб, яна диск савдолари билан шуғуллаверди. Унинг учун гўёки шаҳар бедарвозадек эди. Ҳеч ким унинг мушугини «пишт», демасди. Аммо вақтинчалик сокинлик узоққа чўзилмади. Туман ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тадбир чоғида Мустақиллик кўчасида жойлашган савдо дўконлари бирма-бир «кўрик»дан ўтказилди. Х.Турсуновга қарашли дўкон кўздан кечирилганда, бу ерда қонунга хилоф равишда ҳар хил турдаги концерт ва клиплар, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи кинофильмлар эзилган умимий қиймати 210 минг сўмлик, жами 140 дана CD ва DVD дисклари сотилаётганлиги аниқланди. Ўз нафси йўлида қинғир ишларга қўл уришдан ҳам қайтмаган Худойберди Турсуновнинг ноқонуний фаолиятига шу тарзда чек қўйилди.

Бугун у қонун ҳамма учун баробар эканлигини ҳис этиб турибди. Ўзининг нопок ишлари учун суд ҳукмига асосан жазосини олмақда. Зеро, ҳеч бир жиноятчи жазодан қочиб, қутулиб қолмайди. Ўз қилмиши учун қонун олдида албатта жавоб беради.

Муродхон АҲМЕДОВ,  
Денов тумани прокурори,  
адлия маслаҳатчиси

# Бош мақсад — фаолият самарадорлигини ошириш

## Семинар

Сиёсий партияларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва роли тобора ошиб бораётир. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг родини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун сиёсий партиялар фаолиятини янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлди. Шунингдек, “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да олға сурилган муҳим масалалар ҳам сиёсий партиялар масъулиятини янада кучайтириш, уларнинг ўз электратлари манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолигини оширишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши партиянинг Наманган вилояти Кенгаши билан биргаликда Поп туманида ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарларининг биринчи ўринбосарлари иштирокида ўтказган республика ўқув-семинари ана шундай долзарб масалаларга бағишланди. Зеро, олдинда барча даражадаги вакиллик органларида ўтказилган сиёсий тадбир тобора яқинлашмоқда. Шунинг учун “Партия Сиёсий Кенгашининг X Пленуми қарорларига мувофиқ партия ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини оширишнинг шакли ва услублари” мавзусида ўзаро фикр алмашиш, тўпланган тажрибаларни умумлаштириш, келгусида амалда оширилган ишларни пухта режалаштириб олиш катта аҳамиятга эга. Биринчи навбатда эса ташкилий-партиявий ишлар самарадорлигини ошириш, кадрлар би-

лан ишлашни янада такомиллаштириш, бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш ҳозирги кундаги долзарб вазифалар сифатида баҳоланиши лозим.

Ўқув-семинарда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари матбуот котиблари, партиянинг Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари шаҳар, туман Кенгашлари раислари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган вилоят ҳудудий бўлини маси, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий ҳамкор партия обрў-нуфузини юксалтиришга эришиш мумкин.

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш, фуқароларнинг барча тоифаларини қамраб олган бошланғич партия ташкилотларининг вужудга келган



тармоғини сифат жиҳатидан мустаҳкамлаш керак.

Шундангина партиянинг дастурий вазифалари аҳоли барча қатламларининг ижтимоий онгига етиб бориши, фуқароларнинг мафқуравий имунитети мустаҳкамлаши, партия обрў-нуфузини юксалтиришга эришиш мумкин.

Тадбир қатнашчилари дастлаб Поп ва Чортоқ туманлари партия кенгашларининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига номзодини кўрсатиш учун кадрлар захирасини шакллантириш бўйича иш тажрибаси билан та-

туман кенгашлари раислари Музофот Аҳмедова ва Ҳабиба Мирабдуллаева сўзлаб бердилар. Ҳар икки туманда аввалги сайловлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда, пухта режа асосида иш олиб борилмоқда. Халқ орасида обрў-этиборга эга, салоҳиятли, одамларни ўз ортидан эргаштира оладиган, партияимизнинг гояларини қўллаб-қувватлайдиган кадрлар саралаб олинмоқда. Айна пайтда маҳаллий кенгашларга сайлов ўтказувчи ҳар бир сайлов округи ҳудудида бошланғич партия ташкилотларини шакллантириш ёки борларининг фаоли-

ятини кучайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Тадбир қизғин баҳс-мунозаралар остида ўтди. Нотиклар ўз тажрибаларидан сўзлабгина қолмай, айрим муаммоларни ҳам ўртага ташладилар. Уларнинг ечимларини топиш учун ўзаро фикр алмашилди. Қизиқарли ва ишда катта самара келтириши мумкин бўлган тақлифлар ҳам билдирилди.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**  
Ўзбекистон “Адолат” СДП  
Наманган вилояти Кенгаши  
матбуот котиби

## Ёш адолатчи

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани натижа-сида уларнинг таълим олишлари, спорт билан шуғулланишлари, истеъдод ва иқтидорларини юзага чиқаришлари учун барча шароитлар яратилди. Илк кунлардан унумли фойдаланиб, эришган муваффақиятлари билан келажак эгаларига бўлган ишонччи янада мустаҳкамлаётган ёшларимиз кўпчиликни ташкил этади.

## «Адолатчи» миз магистр бўлди

Зеро, келажак авлод тақдирини ўз қўли билан, ҳар бир ёш замондошимизни кучли, билимдон ва етук инсон даражасида камолга етказиш ҳамда эртанги ҳаётда Ватанимиз келажак, жамият тараққиёти ва истиқлолимиз мустаҳкамлашнинг ҳақиқий фидойилари этиб тарбиялашга ҳисса қўлиши Ўзбекистон “Адолат” СДП фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир.

— Ватанимизнинг эртанги тараққиёти учун хизмат қилиш менинг қатъий мақсадимдир, — дейди Навоий вилоят партия Кенгаши “Ёш адолатчилар” қаноти раислигидаги ўқувчи Мамайраҳмон Эргашева. — “Адолат” партиясининг Сайловдаги дастури билан таълим эканман, хотин-қизларга ва ёшларга жуда катта эътибор берилди, ёшларга келажакни ҳал қилувчи куч сифатида қаралаётганлиги, йигит-қизларни ягона эзгу мақсад йўлида тарбиялаш гоялари илгари сурилганлиги, айниқса, ёшларнинг бандлигини таъминлаш масалалари менга маълум бўлган. Бу эса, ўз навбатида, «адолатчилар» сафига киришимга туртки бўлган.

Таълим соҳасига қизиқиши банд бўлган, ёш авлодни етук ва комил инсон-

лар қилиб тарбиялашга кўпроқ ҳисса қўлиши мақсад қилган Мамайраҳмон 2013-2014 ўқув йилида Навоий давлат педагогика институтининг магистратура бўлимига ўқишга қабул қилинди. М.Эргашева вилоят партия Кенгашининг «Ёш адолатчилар» қаноти раислигида тавсия қилишда унинг ташкилотчилиги, юксак истеъдоди, талабчанлиги ва фидойилик фазилатлари инобатга олинган эди. Ёш партиядошимиз ўзига билдирилган ишонччи оқламоқда. Навоий техника ва иқтисодиёт коллежидан педагогик фаолияти билан бирга ёшлар иштирокида тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этиб, партия сафини кенгайтиришда фаоллик кўрсатаяпти. Коллеж ўқувчиларига партия гоя ва мақсадларини сингдириш борасидаги ташкилотчилиги тўғрисида 200 нафарга яқин навқирон ёшлар “Адолат” СДП сафига қабул қилинди.

“Ёш адолатчилар” етакчилигидаги мақсади институтда партия аъзолари сафини кенгайтиришдир.

**С.МАНСУРОВА,**  
Ўзбекистон “Адолат” СДП  
Навоий вилояти Кенгаши  
раиси ўринбосари

## Солиқ тизими

Юртимизда автомобиль транспортида йўловчиларга хизмат кўрсатиш фаолиятини тартибга солиш ва ривожлантиришда қабул қилинган қонунчилик асослари ва унинг ижросига доир ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

## Аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатилмоқда

Йўловчилар узоғини яқин, оғирини енгил қилиш, аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатишни йўлга қўйиш борасидаги меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилоят давлат солиқ хизмати органлари томонидан мунтазам равишда назорат тадбирлари ўтказилиб келинмоқда.



Хусусан, жорий йилнинг 8 ойи давомида ўтказилган 218 та назорат тадбирларининг барчасида йўловчи ташийдиган автотранспорт воситаларининг техник кўриқдан ўтмаганлиги, фойдаланишга яроқсизлиги, йўловчилар ташиш билан шуғулланаётган ҳайдовчиларнинг тегишли лицензияга эга бўлмасдан фаолият юритаётганлиги каби 709 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди.

Натижада 6 та ҳолатда ҳуқуқбузар шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди, 459 нафар қоидабузарларга нисбатан 143,8 млн. сўмлик маъмурий жарималар қўлланилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчилик талабларига кўра, автомобиль транспортида йўловчилар та-

# Йўллар равон, манзиллар яқин

## Қарор ва ижро

Яқин ўтмишда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш борасида жиддий муаммолар бор эдики, улардан, айниқса, олис қишлоқларда истиқомат қиладиган фуқаролар кучли азият чекардилар. Ўша кезларда улар транспорт қатнайдиган катта йўлга чиқиб олиш учун бир неча чақирим масофани пиёда босиб ўтишга, бекатда соатлаб автобус кутишга мажбур эдилар.

Бугун эса шароит тубдан ўзгариб, ҳаммининг меъдасига теккан эски муаммолар буткул барҳам топди. Бу ҳам бўлса истиқлол шарофатидандир. Бирор жойга боришни ният қилиб кўчага чиқингизми, айнан юртимизда ишлаб чиқарилган бежирим ва озода автомобиллар шундоққина қаршингизда кўндаланг бўлади.

Учкўприк туманидаги “Альфатранс” масъулияти чекланган жамияти 2002 йилда ташкил этилганда унинг таркибиде атиги 30 та “Дамас” русумли автомобиль бор эди. Энди эса уларнинг сони 340 гага етди.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш ҳамда йўловчи ташиш билан шуғулланувчи транспортлар ҳаракатланишини тартибга солиш ҳақидаги қарори айна муддао бўлди, — дейди шу жамият раҳбари Мухсинжон Маҳкамов. — Биринчидан, аҳолининг транспорт хизматида бўлган эҳтиёжини қондиришда, иккин-

чидан, ишсизлик муаммосини мумкин қадар ижобий ҳал этишда ва ниҳоят учинчидан, нақд пул тушумини кўпайтиришда кенг иштирокчилик юзага келди.

Дарҳақиқат, айни кунларда “Альфатранс”га уюшган барча “Дамас” русумли автомобиллар ва иккита автобусда 12 та йўналишда хизмат кўрсатилаётган ва ҳар ойда 140 миллион сўм атрафияда нақд пул тушуми амалга ошириляптир. Қолаверса, бу 340 нафардан зиёд ҳайдовчилар мўқим иш билан таъминланди, деган сўз.

— Менинг маъмуриятга аъзо бўлганимга роппа-роса 10 йил бўлди, — дейди ўз “тойчоғи” билан “Кўкон-Учкўприк” йўналишида йўловчиларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилаётган ҳайдовчи Қамбарали Қирғизов. — Ҳар кун йўловчилардан тушган пулнинг белгиланган қисмини жамият газнасига топшираман, қолгани эса ўзимники. Боз устига ҳар ойда 220 минг сўмдан ошириб маош ҳам оламан. Шу боисдан рўзғор тебратишда

ҳеч қандай муаммо йўқ.

Шу йўналишда фаолият кўрсатаётган Жамшидхон Тожибоев, Мухторжон Қўноқбоев, Тўлқинжон Акрамов сингари кўплаб ҳайдовчилар ҳам қорхонада йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш борасида барча шарт-шароитлар муҳайё этилганидан мамнун бўлиб гапирдилар.

Шунингдек, Бешариқ туманидаги “Хайитбоев Бекзод” номли МЧЖда ҳам истиқлол замиридан наурасида юртда фуқароларга намунали транспорт хизмати кўрсатишда бош тажриба тўпланганига гувоҳ бўласиз.

— Бизнинг асосий диққат-эътиборимиз биринчи галда йўловчилар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган, — дейди қорхона ҳаракат хавфсизлиги муҳандиси Зайниддин Сайдалиев. — Қорхонамиз фаолият кўрсата бошлаганига, мана, 11 йил бўлди. Аммо шу пайтгача тасарруфимиздаги транспорт воситалари билан боғлиқ бирорта ҳам кўнгилсиз ҳодиса қайд этилмади.

Агар юртимиз автомобиль йўлларда транспорт қатнови тўбора кўпайиб бораётганлигини инобатга оладиган бўлсак, бундай кўрсаткичга эришишимиз ўзи бўлмайдими. Бунинг туб сабабини эса қорхонада ўрнатилган одатий, аммо ҳамма учун қатъий тартиб-қоидалар ва уларга иттифоқчиликни қўқиниб билан боғлаш ўринлидир.

Шу ерда механик лавозимида хизмат қилаётган Анваржон Маматқуловнинг айтишича, ҳар кун эрта тонгда ишга чиқариладиган транспорт воситаларини техник, уларнинг ҳайдовчиларини тиббий кўриқдан

ўтказиш, шундан кейингина йўл варақасини тақдим этиш ҳамма учун илтифатли-мажбурий ҳолга айланиб қолган.

— Қорхонадан чиқиб кетган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши-ю, уларни бошқараётган ҳайдовчиларнинг мижозлар билан муносабати ҳам эътиборимиздан четда эмас, — дейди МЧЖ раҳбари Камолитдин Хайитбоев. — Аввало ҳар кун уларни ишга чиқаришдан олдин ҳайдовчиларга мижозлар билан ҳушмуомалада бўлишни, мумкин қадар уларни ранжитмасликни қайта-қайта тайинлаймиз. Қолаверса, бу билан чекланмай ҳар бир йўналишда махсус назоратчилар бириктирилганлиги, улар кун давомида бекатларда туриб, йўловчиларга маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида қузатув ишларини олиб борадилар.

Яна бир жиҳатни унутмаслик лозим. Беш қўл баробар бўлмаганидек, ҳайдовчилар орасида мўмай даромад топишга интиладиган, агар улдасидан чиқа олса, амалдаги тартиб-қоидаларни четлаб ўтишга уринадиган, яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда бўлсак, йўловчи ташишга иктисослашган автоюшмаларга аъзо бўлмай туриб, қирақашлик билан шуғулланаётган кимсалар ҳам йўқ эмас.

— Бундай ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни жилавланган борасида атоуюшмалар вакиллари ва ички ишлар идораларининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари билан кенг қамровли ишларни амалга оширмоқдамиз — дейди Бешариқ тумани Давлат Солиқ инспекцияси бўлим бош

инспектори Фуломжон Рўзиматов. — Шу кунгача улар билан ҳамкорликда 64 марта махсус тадбир ўтказиб ва йўловчи ташиш билан шуғулланаётган 622 та транспорт воситасини текширувдан ўтказдик. Оқибатда 169 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди, айбдорларнинг 152 нафарига маъмурий, 6 нафарига жиноий иш қўзғатилди.

Худди шунингдек, Данғара туманида ҳам йўловчиларга пулли транспорт хизмати кўрсатиш савиясини юксалтириш, қолаверса, бу жабҳада қонун устуворлигига эришиш борасида ўзига хос тажриба тўпланган.

Маъмурият инспекциянинг жисмоний шахсларга солиқ солиш бўлими бошлиғи Салимжон Хайитовнинг айтишича, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳамда автоюшмалар вакиллари билан ўзаро ҳамкорликда 112 марта махсус тадбир ўтказилди. Пировадидан, 107 та ҳолатда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 176-моддаси 3-қисми талабларига амал қилмаслик ҳолати аниқланди, айбдорларга нисбатан 42 миллион 800 минг сўмлик маъмурий жарима қўлланилди. 5 та ҳолатда эса тақдоран қонунбузарлик содир этганлиги учун 5 нафар сохта тадбиркорга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш савияси ва сифатини янада яхшилашга бўлган бундай эътибор фарғоналиклар томонидан қизғин эътироф этилмоқда.

**Раҳмондод ҚОСИМОВ,**  
Фарғона вилояти

# Эркинлик! Адолатлилик! Бирдамлик!

## Сиёсий назария ва унинг тараққиёти

### “Адолат” шарҳи

Газетамизнинг аввалги сонларида жаҳон социал-демократлари фаолияти тарихи, уларнинг ижтимоий-иқтисодий назарияларига оид туркум мақолалар чоп этилган эди. Бугунги мақола социал-демократларнинг сиёсий нуктаи назарлари, уларнинг эволюцион ўзгаришлари бой бўлган тарихига бағишланади.

Социал-демократларни бошқалардан ажратиб турадиган жиҳати: улар доимо ишчи-мехнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши билан бирга демократик тараққиёт сари ундовчи ижтимоий-сиёсий ғоялари билан ҳам иштирок этишидadir.



© Reuters

“Кизил май” воқеалари, Италияда 1969 йил “Қайноқ куз” (воқеалари) юзага келган зиддиятчи ҳолатлар сабаб бўлди. 1973-1974 йиллардаги “Иқтисодий инқироз” ҳам социал-демократларнинг бироз чалғишига олиб келди.

Францияда Миттеран бошчилигида янгидан тузилган социал-демократлар коммунистлар билан ҳамкорлик ўрнатиб, “Хукуматнинг ҳамкорликдаги дастури”га имзо чекди. Португалия, Испания, Греция фуқаролари яққоқимлик тузумига қарши курашганда социал-демократлар ҳам ушбу кўзголчилик сафида иштирок этди. Чилида Социал-демократларнинг қўллаб-қувватлайдиган “Халқ бирлиги” партияси фаолияти тугатилиши кўпчиликини ташвишга солиб қўйди. Асос солинидан буён илк мартада Социал-демократларнинг бироз чалғишига олиб келди.

“Годесберг дастури”да бозор иқтисодиётига асосланган сиёсат ёқланди. Энди социал-демократлар ҳар қандай мулк шакллари: жамоа, хусусий ва бошқа мулкларни тан ола бошлашди. Шунингдек, ушбу дастурда социал-демократларни фақатгина ишчи-мехнаткашлар манфаати эмас, бутун халқнинг манфаати қизиқтириши акс эттирилган эди.

Ўз ғояларини қайта кўриш ва ишлаб чиқиш ҳоллари бошқа давлатларнинг социал-демократларида ҳам вужудга келди. Мухими, ҳақиқий ҳаётдан узилиб қолмаслик, яъни замон талаби асосида фикр-лаш тенденцияси юзага келди.

Айни пайтда дунё ҳамжамиятида бўлиб ўтадиган ҳар бир муҳим сиёсий воқеалик Социал-демократларнинг фаолиятига ҳам таъсир ўтказмасдан қолмади. 60-70 йилларда Социал-демократлар аъзолари ўртасида бошбошдоқлик бироз кучайди. Буларга Фарбда (Францияда 1968 йил

бир қисми ҳукумат тепасидаги партиялар эди.

80-йилларда социал-демократларнинг фаолияти ва назариясига янгиликлар жорий этилди. 1989 йил Берлинда социал-демократлар янги дастур қабул қилиб, иштирокчилар аввалги “Годесберг дастури” тамойиллари ўз кучини йўқотмагани, уларга қўшимча киритилганини таъкидлашди. Уларнинг фикрича, авваламбор шунчаки саноатни ривожлантириш эмас, балки унинг тараққиёти моҳиятига эътибор қаратиш керак. Яна бир асосий хулоса — атроф-муҳитнинг ифлосланишида инсон омилнинг кучаяётганини қатъий қоралашди. Шу боис ҳар бир ишлаб-чиқарувчи ташкилот экологияга кўрсатаётган таъсир даражасини камайтиришга ҳаракат қилиши лозим. Дастурда ишчилар меҳнат фаолияти ва шароитини яхшилашга, шунингдек, жамиятда хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлашга, уларнинг нуфузини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам ўрин олди.

“Берлин дастури”да солидар жамият тушунчаси пайдо бўлди. Ушбу бирикма нафақат Германия социал-демократларига хос бўлиб, францияликларнинг 1988 йилдаги дастуридан ҳам жой олган. Солидар жамият — бу ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш, таълим тизимини мукамаллаштириш, ишсизликка қарши курашиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, уй-жой қурилиши, хизмат кўрсатиш тармоғини кенгайтириш, болалар,

ёшлар, хотин-қизлар ҳақида қайғуриш сингари кўп тармоқли ва мустақкам тизимни шакллантирувчи жамиятдир. Айни пайтда француз социал-демократлари мамлакатни нафақат моддий жиҳатдан ривожлантиришга, балки ҳар бир инсоннинг маънавий баркамоллашувига эътибор қаратиш лозимлигини илгари сурди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, социал-демократия ҳаракати тараққиёти давомида ўзига хос сиёсий маданият шаклланиб, бошқа партиялар вакилларининг нуқтаи назарларига нисбатан сабр-тоқат, муроसाга бориш сингари хусусиятларини ифодалади. Айни пайтда социал-демократлар тоталитар тузум билан келиши олмайди.


Социал-демократия — авваламбор ахлоқий-маънавий ҳаракатдир. Шу сабабли ҳам бугунги социал-демократлар сафига нафақат ишчи-мехнаткашлар, балки турли касб эгалари бирлашган. Дастлаб ташкил топганида маълум жамоанинг манфаатини ҳимоя қилган партия эндиликда ҳар бир инсоннинг қизиқиши ва мақсадини эътиборга олиши кузатилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ўз тарихида голиблик ва мағлублик, ютуқ ва камчиликларга эга бўлган социал-демократлар ўз нуқтаи назарини замон билан ҳамнафас тарзда ифода этиб, халқ фаровонлиги учун хизмат қиладиган ғояларни илгари суриб келмоқда.

Тоҳир ШАМСИБАЕВ

## Ёлгон учун қамоқ жазоси

Хитойда интернетда ҳақиқатдан йироқ бўлган миш-миш ва маълумотлар тарқатганлик учун жиноий жазо қўлланилувчи қонун қабул қилинди.



Қонун интернет тармоғида шахсга қаратилган уйдирма ва бўҳтон кенг тарқалса, фуқарони жавобгарликка тортишни назарда тутди. Унга кўра, ёлгон ахборот муаллифига 500 ре-пост (фойдаланувчиларнинг маълумот ҳақида танишганлиги) келиб тушса, жавобгар уч йил озодликдан маҳрум этилади.

Хитой ҳукумати вакиллари янги қонун қабул қилинишига сабаб кейинги пайтларда интернет тармоғида масъулият сезмасдан овозлар тарқатилиши кучайганлиги, деб изоҳ беришмоқда. Мансабдор шахсларнинг фикрига кўра, бундай ахборот объектлари кўпинча «руҳий эзилиш» ҳолатига тушадилар.

## Кутилган телефон ва кутилмаган омадсизлик

Американинг гигант компанияларидан бири Apple бир пайтнинг ўзида энг оммабоп смартфон телефон ҳисобланган iPhone 5S ва iPhone 5C тақдиротини ўтказди.



Айни пайтда ушбу тақдиротдан сўнг компаниянинг акция қиймати камайган NASDAQ биржаси томонидан қайд этилди. Хусусан, бир дон акциянинг нархи 494,6 АҚШ долларига тушиб қолди. Таъкидлашчи, ўтган йилги iPhone 5 чиқарилганидан сўнг компания акциялари рекорд нархни, яъни 705 АҚШ доллари ташкил қилган.

Айрим мутахассисларнинг фикрича, янги русумдаги телефонларга оид маълумотлар батафсил берилгани унга бўлган қизиқиш сустлашишига сабаб бўлган. Яна бошқалари эса иккала русумдаги телефонларнинг сотилиш даражаси аввалгилардан кам бўлмаслигига ишонч ҳосил қилмоқда.

Телефонлар АҚШ ва яна саккиз мамлакатда жорий йилнинг 20 сентябридан бошлаб сотувга чиқарилади. Маълумотларга қараганда, iPhone 5Sнинг қўшма шталлардаги нархи оператив хотирасининг катта ёки кичиклигига қараб (16, 32 ва 64 Гбайт) 649, 749 ва 849 АҚШ доллари, iPhone 5Cнинг қиймати эса 550 ва 650 АҚШ доллари ташкил қилади.

## Кариесдан ҳимоя воситаси

Чой — одамзотга қадимдан маълум шифобахш ичимлик. У фойдали маҳсулотлар рўйхатига биринчилардан бўлиб киритилган. Олимларнинг сўнгги изланишлари натижасига биноан, чой тишларни емирилишдан ҳимоя қилиши аниқланди. Унинг бу хусусияти янада самарали таъсир кўрсатиши учун кўнига уч-тўрт пиёла чой ичиш тавсия этилади.



Мутахассисларнинг эътирофига кўра, айнан қора чой сўлак орқали оғиз бўшлиғига ўтувчи стрептококк ва тишларни емирувчи лактобацилл бактерияларига қарши таъсир кўрсатиб, кариеснинг олдини олади. Мухими, чойга шакар қўшиб ичилса, кариесга қарши курашиш хусусияти пасаймайди. Кўк чойга келсак, у ҳам бактерияларга қарши курашишда самарадор бўлиб, оғиз бўшлиғидаги олтингугуртни нейтраллаштириш эвазига ёқимсиз ҳидни бартараф этади.

Маълумки, оғиз бўшлиғидаги бактериялар углеводлар билан боғланади ва кимёвий реакция натижасида тиш эмалини емирувчи кислота ҳосил бўлади. Бунга қарши чой эса яллиғлиниш ва бактериялар кўпайишига қарши курашади.

Чойдаги антиоксидант, флавоноид ва катехин моддалари антибактериал хусусиятига эга. Бу ҳаммаси эриш, кўк чой шунингдек, таъа энергия сарфини ошириб, ёғлар зўқини тезлаштиради ва шу орқали ортиқча вазнини йўқотишга ёрдам беради.

## Билл ва Мелинда Гейтслар тақдирланди

Тиббиёт соҳасига қўшган хиссаси учун бу жуфтлик Ласкер мукофотида сазовор бўлди.

Фонд баёнотида таъкидланганидек, Билл ва Мелинда Гейтслар «қурраи заминнинг долзарб муаммолари: ҳимояга муҳтож миллионлаб кишилар ҳаётини яхшилаш, соғлиқни тиклаш билан боғлиқ масалаларни бугунги замон талабидан келиб чиқиб, ўзгартирилгани учун» тақдирланди.

Шунингдек, Ласкер мукофоти кулоғи оғир беморлар учун кохлеар имплантанти — «эшитиш мосламаси»нинг янги моделини яратган олимлар гуруҳига ҳам топширилди.

Ласкер тиббиёт соҳасидаги нуфузли мукофот бўлиб, АҚШда «иккинчи Нобель» ҳисобланади. Мукофотга 1946 йилда бизнесмен ва филантроп (муҳтожларга саховат кўрсатувчи) Альберт Ласкер ва унинг хотини томонидан асос солинган. Мукофот уч номинация бўйича топширилади: Basic (тиббиёт соҳасидаги фундаменталь тадқиқотлар учун), Clinical (энг яхши амалиётчи шифокор) ва Public Service (тиббиёт ҳамда соғлиқни сақлаш тизимида жамоатчилик асосидаги фаолият учун).

Microsoft компаниясининг асосчиси Билл Гейтс ва унинг рафиқаси Мелинда Bill & Melinda Gates Foundation хайрия фонди таъсисчилари. 2012 йилда фонд турли дастурлар ҳамда асосан, соғлиқни сақлаш соҳасига 3,4 миллиард доллар ажратди. Бундан ташқари, Билл Гейтс бизнесмен Уоррен Баффет билан биргаликда миллиардларни бирлаштириш орқали ўз даромадларининг камиди ярмини хайр-эҳсон қилишга ваъда берган The Giving Pledge компанияси асосчиларидир.

## Сув ҳажми камаймоқда

Россиялик синоптиклар хабар беришича, Хабаровск ва Нанай туманларидаги Елабуга қишлоғидаги вазият бирмунча барқарорлашиб, ҳудудда тўпланиб қолган сув миқдори камайиб бормоқда.

Мамлакат Фавкулотда вазиятлар вазирлигининг Хабаровск бўйича мутасадди вакиллари баён этишича, ушбу воҳада 74 та аҳоли пункти, 2,7 мингдан ортиқ уйлар сув остида қолиб кетган.

“Хабаровск ва Нанай туманларидаги Елабуга қишлоғида сувнинг ҳажми суткасига ўртача 7-17 см.га камаётгани кузатилаётган. Шунингдек, Троицкий қишлоғида ҳам сув сатҳи пасайган, Ҳозирги пайтда 31380 нафар фуқаро иштирокати килиб келган 3046 та турар жойлар сув остида. Қолаверса, 7000 га яқин дала ҳовлилар, 45 минг гектар ер майдони табиий офатдан талофат кўрган”, — дейилади соҳа мутахассисларининг хабарида.



Сўнгги саҳифа

# Навоийнинг шукуҳли кунлари

Давом. Боши 1-бетда

Негаки, шундай озод ва обод муқаддас Ватанда яшаётган ҳамда қадрли неъмат сифатида инсон тафаккуридан муносиб жой олган Истиқлол навоийликларга улкан имкониётлар эшигини очди. Бундай шараф шу қутлуғ заминнинг янада гуллаб-яшнашида муҳим аҳамият касб этди.

Маълумки, мустақиллик туфайли ҳар бир шахс ўз қадри-қиммати, ор-номуси ва гурурини чуқур англаган ҳолда, ҳаётбахш неъматдан баҳраманд бўлиб, орзу-мақсадлари йўлида олға интилаётганини даврининг ўзи исботлаб турибди.

Жумладан, ўзига хос тараққиёт йўли — ўзбек модели энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида амалда ўзини оқлаб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, юртимизда барқарор тинчликни сақлаш ҳамда халқимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида Навоий вилоятида ҳам юксак тараққиётга етакловчи муҳим стратегик чораларни амалга ошириш,



Навоий шаҳридаги "Камолот-Тараққиёт" хусусий корхонасида 37 турдаги нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрланмоқда.



"Довудбек Сито" хусусий корхонаси ишчиси Назира Қобилова.

435 та ишлаб чиқариш ва 670 та хизмат кўрсатиш объектилари, шунингдек, Навоий шаҳрида 124 та хонадонли кўп қаватли уй-жой ва "Бахт уйи" биноси, кўплаб таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилаётгани бунёдкорлик соҳасида қўлга киритилган улкан ютуқдир.

Қолаверса, аҳолининг турмуш даражасини ошириш мақсадида, табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш, кўча ва йўللари обод қилиш, инфраструктуранинг ривожлантириш



55,4 км. газ тармоқлари ва 47,0 км. раван автомобиль йўллари барпо этилган шараф ва қишлоқлар аҳолисига қўлай имкониётларни яратмоқда.

Шунинг билан бирга, Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан Қизилтепа, Кони-мех, Кармана, Навбахор ва Хатирчи туманида истиқомат қилувчи 70 минг нафардан ортиқ маҳаллий аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши ҳам жадал суръатлар билан янунланмоқда.

Шу йили "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивалининг ҳам юксак савияда ўтказилганлиги вилоят аҳолининг меҳмондўстлигини яна бир бор намоён этди.

"Қишлоқ тараққиёт тоғаси, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади", деган эзгу ғоя асосида вилоятнинг ҳар бир қишлоқ ва овуллари қиёфаси йилдан-йилга чирой очиб, намунавий лойиҳадаги уй-жойлар ва замонавий бозор инфратузилмалари ҳисобига тобора обод ва гўзал масканларга айланмоқда.

Жорий йилда вилоятда 19 та массивда 600 та замонавий уй-жойлар ўз эгаларига топширилаётгани юртдошларимиз қалбига сурур бағишланмоқда.

2013 йил — "Обод турмуш йили"да ҳам шундай эзгу амаллар изчил давом эттирилиб, олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар вилоят аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Йилдан-йилга вилоятимизда

саноат соҳаси жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Жумладан, жорий йилда 1385 та саноат корхоналари томонидан 300 турдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқилмоқда.

Биргина шу йили саноат соҳасини ривожлантириш ва модернизациялашга қаратилган эзгу ишлар натижасида 94 та лойиҳа асосида 7 млн. АҚШ долларни миқдордаги маблағлар ўзлаштирилиб, мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Худудда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини техник янгиллаш, диверсификациялаш натижасида нафақат сифатли ва харидорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, балки экспорт салоҳиятини оширишга ҳам эътибор қаратилгани боис, жорий йилда 21 турдаги тайёр маҳсулотлар экспорти йўлга қўйилиб, экспорт ҳажми 219,5 млн. АҚШ долларни, шундан

Масалан, жорий йилда 48 та лойиҳа асосида 237 мингга парранда олиниб, бунинг натижасида 124 та янги иш ўринлари яратилгани, 201,0 гектар майдонда интенсив боғ ташкил этилаётгани, 52 та лойиҳа асосида 1737 асалари оиласи олингани, 234 гектар майдондаги иссиқ-



Навбахор тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқ мажмуаси шифокори Нозира Хожиева.

худудий экспорт ҳажми 16,8 млн. АҚШ долларни ташкил этиб, кўрсаткичлар ўтган йилга нисбатан 137 фоизга ўсишга эришилди.

Маълумки, бутун дунё эътиборидаги "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасининг янгидан-янги ташкил этилаётган кўшма корхоналар ҳисобига иқтисодий салоҳияти борган сари кенгайиб бормоқда. Айни пайтда ушбу зонада 12 та замонавий корхоналар самарали фаолият юритиб, 70 турдан ортиқ харидорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Мустақиллик арафасида ав-

томобиль газ баллонлари ишлаб чиқишга ихтисослашган янги линия ишга туширилди. Қолаверса, ишлаб чиқариш корхоналари сонини янада кенгайтириш мақсадида, аккумулятор симлари, мобиль ва стационар телефонлар, модемлар ва интернет учун қўшимча мосламалар ишлаб чиқариш бўйича яна 4 та лойиҳа устида ишлар олиб борилаётган.

Яна шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, жорий қишлоқ ҳўжалиги мавсумида заҳматқаш бободехқонларнинг самарали меҳнати билан фермер ҳўжаликлари томонидан улкан ютуқлар қўлга киритилиб, барча режалар ортиги билан адо этилиб келинмоқда.

Жумладан, жорий йилда ғаллакорларимиз томонидан ҳар гектар ерда ўртача ҳосилдорлик 55 центрге етказилиб, республикада пешқадамлар қаторида 219,2 минг тоннадан ортиқ улкан ғалла хирмони яратилди.

Барча имкониётлардан кенг фойдаланиб, халқимиз турмушини янада фаровон этишга астойдил бел болаганмиз.

Масалан, жорий йилда 48 та лойиҳа асосида 237 мингга парранда олиниб, бунинг натижасида 124 та янги иш ўринлари яратилгани, 201,0 гектар майдонда интенсив боғ ташкил этилаётгани, 52 та лойиҳа асосида 1737 асалари оиласи олингани, 234 гектар майдондаги иссиқ-

## Ёшлик, истеъдод, дўстлик байрами

Давом. Боши 1-бетда

Тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими П.Бобонозов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитасининг раиси Э. Боситхоновалар истиқлол шарофати билан гуллаб-яшнаётган Ватанимиз, хусусан, Хоразм вилоятидаги бунёдкорлик ишларига тўхтадилар.

Меҳнат фахрийси Кенжа Ортиқов вилоят марказидан бошланган қурилиш, ободонлаштириш ишлари туманларда, қишлоқларда ҳам изчил давом этаётганлигини, халқ турмуш фаровонлиги тобора охиб бораётганлигини қайд этди. Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали талабаси Умида Полвонова мамлакатимизда ёшларга яратилаётган кенг имкониётлар, имтиёزلарни, айниқса, истеъдод салоҳиятини рўёбга чиқариш учун эътибор, ғамхўрликни фахр билан сўзлади.

"Хоразм лагисиси", сурнай навалари янгради. Отаҳон, онаҳонлар, ёшлар, турли соҳа эгалари, чет эллик меҳмонлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, республикаимизнинг барча вилоятларидан келган ёшлар ҳам

шодон қўшиқ, лапарлардан кўнгиллари шод бўлиб, дам олиш масканидоги бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

Дам олиш масканида вилоятимиз хунарамдларининг халқ ижодиёти дурдоналари, тадбиркорлар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар, чеварлар, пазандаларнинг маҳоратлари ўз ифодасини топган кўргазмалар барчанинг беихтиёр эътиборини тортди.

Урганч давлат университети-нинг профессори, таниқли кураш устаси Маҳмуджон Раҳимов шогирдларининг маҳоратларини йиғилганлар қарсақлар билан олқишладилар.

Шундан сўнг республикаимизнинг таниқли санъаткорлари иштирокида галаконцерт дастури бошланди. Санъаткорларнинг жўшқин қўшиқлариға фестивал қатнашчилари завқ-шавқ билан рақсга тушдилар.

Дам олиш маскани узра мушаклар отилиб, гўзал, бетакрор манзаралар намоеён бўлди.

Ҳа, тинч, фаровон юртимизга мана шундай байрамлар, тантаналар ярашади.

С.РАҲИМБЕРГАНОВА,  
Хоразм вилояти

## "Учолмаган" валюталар

Божхона бекати

Хорижга қандай мақсадда бўлишидан қатъий назар қуруқ ҳамён билан чиқилмаслиги аниқ. Лекин бу мамлакатимиздаги нақд хорижий валюталарни истолганча ташиб кетиш мумкин дегани эмас!

Амалдаги тартибларга мувофиқ, республикаимизда резидентларга 2000 АҚШ доллар эквивалентидаги нақд хорижий валютани божхона баённомасида ёзма қайд этиш шарти билан эркин олиб чиқиш кетишларига рухсат этилади. Бундан ортиқ миқдордаги нақд валюталарни олиб чиқиш учун эса ваколатли банклар ёки Марказий банкнинг ўрнатилган тартибдаги рухсатномаси талаб этилади.

Юртимиздан чиқиб кетаётган хорижий фуқаролар эса кириш чоғида олиб кирган нақд валюталарни миқдорига тенг валютани олиб чиқиб кетишлари мумкин.

Мазкур тартиблар ҳақида батафсил эслатмалар барча божхона постларининг баённомаларни тўлдирish устунарига ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб кўйилганга қарамай, сафарга отланган юртдошларимиз ва хорижликлар томонидан нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб чиқилиши билан боғлиқ ҳолатлар учраб турибди. Бу эса сири фож бўлган, амалдаги тартиблардан беҳабарлигини пеш қиладиган қонунбузарларнинг аслида божхоначиларнинг кўзини шамғалат қилишга уриниши иш бермаганини аниқлади.

Яқинда "Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан шу турдаги бир нечта қонунбузарлик ҳолатларининг олди олинди.

Жумладан, Россия Федерацияси фуқароси А.Муллаярлова Санкт-Петербургда парвози олдидан салкам 60 минг Россия рублини божхона баённомасида қайд этишни "унутиб" қўйибди. "Паришонотирлик" оқибатида унинг яна бир юртдоши — Новосибирскга отланган Н.Нижегородова ҳам 65 минг Россия рубли билан "хайрлашиши"га тўғри келди.

Сурхондарёлик С.Володовнинг божхона баённомасида қайд этмаган, демак-ки, яширидан олиб ўтишга уринган нақд хорижий валютаси 80 минг Россия рублини ташкил қилди.

"Тошкент-Пекин" рейси олдидан киргизилган нақд хорижий валютаси 4,6 млн. сўмдан ортиқ эквивалентдаги нақд хорижий валюталарни яширидан олиб ўтиш режаси иш бермади.

Москвалик Р.Демин божхона баённомасида ва озгаси сўрвалар пайтидан маълум қилинмаган 3,5 минг АҚШ долларининг божхона кўриги пайтида қўл сумкасида "пайдо" бўлиб қолганидан гўёки хайратга тушди.

Австриялик Ф.Штайнер ҳам ўзи ташриф бурурган давлатнинг божхона қоидаларини менсимаслик оқибатида Россия Федерацияси пойтахтига 6,6 минг АҚШ долларининг қолганидан гўёки хайратга тушди.

Ушбу тарзда панд еган қонунбузарлар сафида туркиялик С.Тосун ҳам бор. Юқорида санаб ўтилган "қаҳрамон"лар орасида у амалдаги тартибларга зид равишда олиб чиқишга уринган 14 минг АҚШ доллари билан "етақчи"ликни ўз қўлига олди.

Хозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

"Тошкент-Аэро" ИБК  
Ахборот хизмати



"Қизилқуммисент" очққ ақциядорлик жамияти ишчиси Собир Каримов

жумладан, иқтисодиётни модернизациялаш, ишлаб чиқариш тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгиллаш, энг замонавий корхоналар барпо этиш, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатларини тараққиёт топтириш, улкан бунёдкорлик ишлари ва изчил ислохотлар натижасида ҳар бир соҳада барқарор ўсиш суръатларига эришилди.

Айниқса, бунёдкор халқимиз томонидан шаҳар ва қишлоқларда барпо этилаётган юзлаб мустақиллик иншоотлари, жумладан, ижтимоий-иқтисодий объектлар, маданий-маиший бинолар, раван йўлу кўприклар, обод хиёбону гузарлар бугун халқимиз ва ўсиб келаётган ёш авлод камалига хизмат қилмоқда.

Жумладан, мустақиллигимизнинг қутлуғ йиғирма икки йиллиги арафасида вилоятда

масалалари доимий диққат-марказимизда бўлиб келмоқда. Бу борада шу давргача соҳа вакилларининг яратувчанлик саъй-ҳаракатлари туфайли 1431,4 км. электр тармоқлари, 299 км. сув тармоқлари,



"Бахт уйи"да



Навоий шаҳридаги "Ақсарғок" сув мажмуасида. С.АСЛОНОВ (Уш) олган суратлар



Қизилтепа туманидаги «Кубаро Диев» кўп тармоқли фермер ҳўжалиги иш бошқарувчиси Уғлиёлу Сулаймонова

**ADOLAT**  
ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

Ташриф ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Мамазор ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қошир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Топшўлат МАТИБАЕВ, Алишер МУМИНОВ.

Баш муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Маънавият ва маданият бўлими 288-46-64 (151); Қабулхона — 288-42-23, 288-46-64 (141) факс; Коттибят — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — А.Йўлдошев. Навбатчи — И.Саҳатов

«Адолат»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилди.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган  
Таҳририят манзили: 100043,  
Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани  
«Шарк тоғи» кўчаси, 23-уй.  
info@adolat.uz  
adolat\_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тавонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КўРСАТКИЧИ: 100  
ISSN 2091-5217  
9772091521001

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 900. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 7123. Босишга топшириш вақти — 23.00. Босишга топширилди — 23.45

1 2 4 5

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, партия Сийёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмоновга падали бузруқвори **ШОДИ** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абдумажит ЖУРАЕВ,  
Навоий вилояти ҳокимлиги  
Ахборот хизмати раҳбари